

SAMIMIY-AUDIT

Аудиторская организация

Адрес: г.Ташкент, 100185 г. Ташкент, прос-т Бунёдкор 29, ИНН206 944 438

Телефон: (97) 376-44-41, samimiy-audit@mail.ru

Мустакил аудиторнинг аудиторлик хулосаси

«MINGBULOQ PAXTA TOZALASH» АЖ таъсисчилари ва рахбариятига

Фикр билдириш учун асос

Биз «MINGBULOQ PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр холатига бўлган молиявий холат тўғрисидаги хисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида хисоботдан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида хисоботдан, пул оқимлари тўғрисида хисоботдан, шунингдек хисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий хисоботларини аудитини ўтказдик.

Корхона рахбариятининг молиявий хисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона рахбарияти мазкур молиявий хисоботларни Молиявий хисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек корхона рахбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий хисоботларни тайёрлаш учун зарур деб хисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий хисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий хисоботларда муҳим бузиб

кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир.

Бундай рискларни баҳолашда, корхона ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, «MINGBULOQ PAXTA TOZALASH» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган ташкилотнинг илова қилинган молиявий ҳисоботи барча муҳим жихатлари бўйича «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тузилган.

«SAMIMIY-AUDIT» МЧЖ раҳбари

3.3. Эгамбердиев

Аудитор:

Н.М.Шарипов

«02» июнь 2022 йил.

Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кучаси 29

